

IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 53226 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрь ялпи худудий маҳсулотнинг 59,9 фоизи (2016 йил январь-декабрда 62,4 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 665,2 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлғанларнинг 56,8 фоизи), шу жумладан банд бўлғанларнинг 421,4 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 243,8 минг нафари кичик корхона ва микро фирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 20177,0 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 71,3 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 106,4 фоизни ташкил қилди;

- 5611,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 48,7 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь- декабрига нисбатан 98,8 фоизга ўсди;

-3807,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 66,8 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь- декабрига нисбатан 107,6 фоизга кўпайди;


- автомобил транспорти юк айланмасининг 106,7 фоизга (Тошкент шаҳри жами автомобил транспорти юк айланмасининг 68,6 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 103,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 80,4 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 77,4 фоизи ёки 18409,1 млрд. сўми (ўсиш 103,2 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 49,8 фоизи ёки 12730,4 млрд. сўми (ўсиш 96,9 фоиз) шакллантирилди;

**2017 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг
(фуқаролар мулки) улуши қўйдагича ифодаланади:**

<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	
Саноат	20177,0
Курилиш	3807,5
Чакана савдо	18409,1
Юк ташиш, <i>млн тн.</i>	99,5
Йўловчи ташиш, <i>млн.кииши</i>	916,4
Экспорт, <i>млн. АҚШ долл.</i>	493,7
Импорт, <i>млн. АҚШ долл.</i>	3 408,2

**Ялпи худудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар)
умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



ЯХМ

Саноат

Асосий
капиталга
киритилган
инвестициялар

Курилиш

Савдо



2016 йил январь-декабрь



2017 йил январь-декабрь